

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАДИРХОДЖАЕВА ХИЛОЛА МАРУФОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ В БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА ТЕМИР
БИЛАН ТЎЙИНИШ СИНДРОМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ
ПАТОГЕНЕТИК ҚИРРАЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Кадирходжаева Хилола Маруфовна

Сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми ривожланишининг баъзи патогенетик қирралари..... 3

Кадырходжаева Хилола Маруфовна

Некоторые патогенетические аспекты развития синдрома перегрузки железом у детей, больных хроническим гепатитом В..... 23

Kadyrkhodzhaeva Hilola Marufovna

Some pathogenetic aspects of the development of overload syndrome in children with chronic hepatitis B 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib474 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZioNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятова Флора Ильясовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбуллина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларда гепатит В вакцинопрофилактикаси ўтказилишига ва касалликни ташхислаш ва даволашдаги ютуқларга қарамай сурункали гепатит В (СГВ) муаммоси Ўзбекистон ва бутун дунёда долзарблигича қолмоқда¹. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра 2017 йилда бутун дунёда СГВ билан 257 миллион бемор бўлиб, уларнинг тахминан 70% Осиёда яшайди. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили гепатит В дан 1 миллион киши нобуд бўлади, бу кўрсаткич жигар касаллиги билан оғриган беморларнинг ўлим сабаблари орасида биринчи ўринда туради. Аҳоли саломатлиги учун таҳдид, айниқса, болалар орасида, жигар циррози (30-70%) ва жигар саратони (5-30%) га қадар олиб келувчи СГВ нинг жадал шакллари ривожланиш эҳтимолининг юқорилиги, уларнинг беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши, эрта ногиронлик ва ўлимга (болалар ўлими сабабларининг 2,7-5,4%) олиб келиши билан боғлиқ.

Бу патологиянинг кўпайиши билан бирга (соматик патология таркибида 45% гача) сурункали касалликлар анемияси - яллиғланиш олди цитокинлари чақирувчи яллиғланиш анемиясининг (бошқа анемиялар орасида 78% гача) тарқалиши ҳам сезиларли даражада ошади. Ахборот манбаъларига кўра, сурункали жигар касаллигида яллиғланиш анемияси частотаси 50-94%, ферротерапияга рефрактер шакллари - 25-50% ҳолларда бўлиб, темир юкламаси оқибатида юзага келади. Бунинг тиббий ва ижтимоий муаммолар билан сабабий муносабатда қўйиш мумкинлиги, улар камқонликни даволашга безътиборлик (80%) ёки тўлиқ менсимаслик (30%), ўз вақтида ташхисламаслик (82,1%), тез-тез рецидивлар (100%), инаппарат шакллари эҳтимоли (36-50%) каби сабаблар бўлиб, мутахассислар назаридан четда қолиши мумкин. Шу билан бирга, темир билан тўйиниш синдроми (ТТС), айниқса, унинг латент ва бошланғич босқичларида, мавжуд зардоб синамаларининг етарли даражада диагностик ишончлиликлари эга эмаслиги, гепатоцитларнинг профибриноген фаоллиги ва ҳужайраички ва ҳужайрадан ташқи бошқарув молекуляр механизмларнинг кўп қиррали табиати ушбу муаммони янада кучайтиради. Шу муносабат билан сурункали HBV-вирусли жигар касаллиги билан оғриган беморларда трансферрин темир билан <45% тўйинганда ҳам организмда ортиқча темир тўпланмаслигига мутлақо ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас. СГВ нинг бундай шакллари билан оғриган бемор болаларда ташхисдаги қийинчиликлар билан бир қаторда, бошқа масалалар, бир томондан, беморларнинг ҳаёт сифати ва омон қолиш кўрсаткичларига таъсир қилувчи касаллик жадаллашувининг юқори частотаси алоҳида таъкидланади. Бошқа томондан, ТТС ни даволаш масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

¹ WHO/Global hepatitis report; 2017.

Ҳозирги босқичда, метаболик жараёнларни тартибга солиш нуқтаи назаридан, олимлар Ферропортин (FPN) - Fe^{2+} нинг трансмембран экспортери, трансферрин рецептори - 2 (TfR2) - Fe^{2+} нинг хужайрага трансмембран импортери ва ўзининг физиологик функцияларини унинг интернализацияси ва ферропортиннинг энтероцитларда деградацияси орқали амалга оширувчи гепсидин-25 пептидига алоҳида эътибор беришмоқда. Темир ташиш тизимларининг таъсир механизмларини таҳлил қилиш ушбу муаммонинг патофизиологик ва токсикологик қисмларига оид бир қатор етарлича ўрганилмаган жиҳатлари мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бирга, мавжуд адабиётларга кўра, болаларда СГВ ва ТТСнинг биргаликда кечган муаммолари илгари ўрганилмаган. Ушбу фактлар СГВ билан касалланган болаларда гемосидерик ҳолатни ривожланиши ва ушлаб туришнинг янги патогенетик механизмларини очиб бериш нуқтаи назаридан муаммонинг долзарблигини таъкидлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари, айниқса, болалар, жумладан, сурункали вирусли гепатит билан оғриган болалар ўртасида соматик касалликларнинг эрта диагностикаси ва асоратларини олдини олиш бўйича кенг кўламли дастур тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021-йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракат стратегиясига асосан қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: "оила саломатлигини, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар ва оналарга тиббий ёрдамни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш"².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар туғрисида" ги Фармони, 2017 йил 30 октябрдаги ПФ-5216-сон "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида" ги Фармони ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда сурункали вирусли гепатитга бағишланган илмий ишлар ўрганилган муаммоларга тизимли ёндашиш билан ажралиб туради.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги №ПП-5590 сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар туғрисида" ги Фармони

Яқин (Учайкин В.Ф., 2012; Абдурахманов Д.Т., 2012; Буеверов О.А.,2013; Ивашкин В.Т., 2014) ва узок (Shuping Tong.,2016; Трепо С.,2014; Seeger С.,2015; Durantel D., 2016; Chan S.L., 2016; Defresne F.,2017) хориж олимларининг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчилари болаларда сурункали вирусли жигар касаллигини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшганлар. Профессор О.С. Махмудов, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Т.А.Даминов ушбу муаммони ўрганишни бошлаб берган бўлсалар, тадқиқотларни Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Ф.И.Иноятова ва профессор Л. Н. Тўйчиев илмий мактаби давом эттирди.

Сўнги йилларда сурункали гепатит С билан оғриган беморларда вирусга қарши даволаш фонида ТТС ни ўрганишга бағишланган ишлар адабиётларда пайдо бўлди. Ушбу тадқиқотлар қарама-қарши натижалар кўрсатди ва фақат катта ёшдаги беморларда ўтказилган. Кўришиб турибдики, темир билан юкланишни ташҳислаш жиҳатлари тўғрисида етарли даражада билимга эга эмаслик ва уни даволашга бепарволик билан ёндашиш нафақат сурункали гепатит В ни даволаш самарадорлигига тўсқинлик қилади, балки болаларда асосий касаллик кечишини сезиларли даражада ёмонлаштиради.

Бундан келиб чиқадики, вирусли персистенция шароитида сурункали яллиғланиш темир гомеостази дизрегуляциясининг ноўя доирасини шаклланишига ва организмнинг темир билан юкланиш шаклида патологик жараённинг оғирлашувига олиб келади. Ҳозирги кунда мавжуд адабиётларда сурункали гепатит В билан оғриган болаларда ТТС ривожланишининг ўзига хос патогенетик механизмлари, унинг клиник кўринишлари спектри, темир алмашинуви кўрсаткичларидан клиник фойдаланиш бўйича замонавий илмий тиббиёт, амалий соғлиқни сақлаш талабларига жавоб берадиган услубий ёндашувлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда АДСС 15.1.1 «Болаларда сурункали жигар патологияси кечишида рефрактер анемиялар. Патогенезининг молекуляр механизмлари ва ташҳислашни такомиллаштириш» амалий гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдромининг патогенетик ва ташҳисий мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми кечишида қондаги ферритин (FR), трансферриннинг эрувчан шаклининг (sTfR), трансферриннинг тўйиниш коэффицентини (ТТК), пешобда гемосидерин, ва гемограмманинг диагностик аҳамиятини ўрганиш;

СГВ ли болаларда темир метаболизми транспорт тизими ҳолатини ферропортин (FPN), гепестин (HEPH) ва трансферрин-2 рецептори (TfR-2) динамикаси бўйича ўзаро таъсирлари ва муносабатларини ҳисобга олиб ТТС даражасига боғлиқ ҳолда ўрганиш;

СГВ ли болаларда гепсидин-25 фаол шакли (HPS-25) динамикасини ва интерлейкин-6 эрувчан рецепторларини (sIL-6R) ТТС даражасига боғлиқ ҳолда ўрганиш;

болаларда СГВнинг клиник-биокимёвий кечиш хусусиятлари ва HBV маркер ҳолатини ТТС даражасига боғлиқ ҳолда баҳолаш;

СГВ билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдромини ташҳислаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали гепатит В билан оғриган, ЎзР ССВга қаршли РИПИАТМ гепатология бўлимига госпитализация қилинган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 185 нафар болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Текширувларни амалга оширишда сурункали HBV-инфекцияли болаларнинг тўлиқ қон, қон зардоби ва пешобидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, биокимёвий, серологик, иммунологик, молекуляр-биологик, функционал ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи мартта СГВ билан оғриган бемор болаларда организмнинг темир билан тўйиниш синдромининг енгил, ўрта ва оғир даражада кечиш хусусиятлари аниқланган;

сурункали гепатит В ли болаларда ферропортин (FPN) фаоллиги ва гепестиннинг (HEPH) темир билан тўйиниш синдромининг яққоллик даражасига боғлиқлиги аниқланган;

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдромининг оғир ва ўрта даражаларида сийдикда гемосидерин ва интерлейкин-6 нинг эрувчан рецепторлари (sIL-6R) ни аниқлашнинг диагностик аҳамияти аниқланган;

гепсидин-25 фаол шаклининг темир билан тўйиниш синдромининг яққоллик даражасига ишончли равишда боғлиқ бўлгани исботланган;

темир билан тўйиниш синдроми ривожланишининг касалликнинг клиник ва биокимёвий синдромларини чўзилувчанлиги ва HBV фаоллиги орасида ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми генезининг патогенетик схемаси ишлаб чиқилди;

темир билан тўйиниш синдромини ташҳислаш ва сурункали гепатит В кечишини башорат қилиш дастури ишлаб чиқилди;

сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир танқислиги аккумулятив генезини индекслар: $ТТК = sTfR / \log.ферритин$ ва MCV/RDW ёрдамида аниқлаш зарурлиги асосланди, ферритин, ферропортин, гепсидин-

25 фаол шакли параметрлари ва асосий гемограмма кўрсаткичларига кўра темир билан тўйиниш синдроми даражасини фарқлаш учун диагностик мезонлар таклиф этилди;

болаларда темир билан тўйиниш синдроми, сурункали гепатит В нинг доминант клиник ва биокимёвий синдромлари учун информатсион шартли-махсус симптомлар спектрлари аниқланди, бу диагностик хусусиятларнинг кўламини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тадқиқот мақсад ва вазифаларига мослиги, клиник материал сонининг етарлилиги, рақамли маълумотларга фарқларнинг статистик аҳамияти кўрсатилиб тўғри статистик ишлов берилганлиги, хорижий тадқиқотчилар натижалари билан таққослаш; ваколатли органлар томонидан олинган натижаларни тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти сурункали гепатит В билан касалланган болаларда темир билан тўйиниш синдромини шаклланиш механизмларини аниқлашдан иборат. Темир алмашинуви транспорт тизимининг маркерларини ўрганиш нуқтаи назаридан темир билан тўйиниш синдроми ривожланишининг генезидаги аниқланган устуворликлар сурункали гепатитли болаларда темир билан тўйинишни ташхислашда лаборатория асосини яратиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамияти сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдромини ташхислаш ва башорат қилиш учун муайян патогенетик схема ва дастурни ишлаб чиқишдан иборатки, уни жорий этиш ТТСнинг ривожланиш механизмларини тушунишни осонлаштиради, ўз вақтида ташхислаш ва башорат қилиш имконини беради, бу эса сурункали вирусли гепатитнинг прогрессив шакллари ривожлантириш, цирроз ва жигар саратони каби салбий оқибатлар хавфини камайтиришнинг ҳақиқий имкониятини осонлаштиради, ва бу билан бемор болалар ҳаёт сифатини яхшилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Олинган илмий натижалар асосида сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми ташхиси яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

"Сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларда яллиғланиш анемиясининг рефрактер шаклида темир билан тўйиниш синдромини қиёсий ташхислаш усули" мавзусида № IAP 20180572 рўйхатга олиш рақами бўйича патент аризаси топширилган. Ҳужжатлар қабул қилинган сана 29.11.2018 йил;

“Сурункали вирусли жигар патологияси билан оғриган болаларда рефрактер анемиялар: диагностик ва прогностик имкониятлар” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 октябрдаги 8н-р/150-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан

тўйиниш синдроми ташхисотининг аниқлигини ошириш ва тезлаштириш, стационар даволаниш сонини ва овқатланишни оптималлаштириш орқали асоратларни камайтириш имконини берган;

Болаларда темир билан тўйиниш синдромини ташхислаш ва сурункали гепатит В кечишини прогнози бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига, Қибрай туман тиббиёт бирлашмасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 8н-д/323-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг амалиётга жорий қилиниши иқтисодий самарадорликка олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда (Россия) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Болаларда сурункали гепатит В ва темир билан тўйиниш синдромига замонавий қарашлар" деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари, болаларда сурункали гепатит В эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, диагностикаси бўйича замонавий қарашлар, шунингдек, темир билан тўйиниш синдроми масалалари кўриб чиқилган адабиётлар таҳлили тақдим этилган. Аналоглар таъкидланади, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари холисона баҳоланади. Таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослади.

Диссертациянинг "**Сурункали гепатит В билан оғриган болаларда клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг хусусиятлари" номли иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Ушбу иш ЎЗРССВ РИПИАТМ гепатология бўлимида 2015-2019 йиллар давомида

амалга оширилди. 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган СГВ билан оғриган, ТТС бўлган 185 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди. ТТС ни ташхислашда СГВ бўлган болаларда яллиғланиш анемиясини дифференциал ташхислаш алгоритми қўлланилди. Трансферриннинг тўйиниш коэффиценти (ТТК) sTfR даражасини ферритиннинг ўнли логарифмига нисбатан ҳисобланган бўлиб, унга кўра 84 (45,4%) беморда $ТТК > 0,5$ -енгил даражадаги ТТС, 67 (36,2%) болаларда $ТТК < 0,5$ -ТТС нинг ўртача ва энг паст ТТК қийматлари $< 0,2$ бўлган 34 (18,4%) беморда ТТС нинг оғир даражаси аниқланди.

Жигардаги патологик жараённинг фаоллиги клиник симптомларнинг яққоллиги, қон зардобида биокимёвий кўрсаткичларнинг фаоллиги, шунингдек, жигар ва талоқ инструментал текширилганда олинган натижалар акс этган маълумотларга кўра аниқланди. Патологик жараён фаоллигининг клиник ва лаборатор кўринишларини баҳолашда Ф.И.Иноятова ва ҳаммуаллифларнинг клиник тавсияларига асосланилди (2002).

Қоннинг умумий таҳлиллари ВС-5800 модели «Mindray» (Хитой) гематологик автоматик анализаторда олиб борилди. Вирусологик верификация ИФА усулида «Human» (Германия) тўпламидан фойдаланган ҳолда «MULTISKAN FC» аппаратида HBsAg, HBsAb, HBeAg, HBeAb, HCVAb, HDVAb ни аниқлашга асосланиб амалга оширилди. “АмплиСенс[®] HBV-FL, HCV-FL, HDV-FL” (Россия) тўпламидан фойдаланиб HBV-ДНА гибридизацион-флуоресцент детекцияларни “реал вақт” полимераз занжирли реакция (ПЗР) усули қўлланилди.

Тадқиқотнинг махсус усуллари иммунофермент таҳлил усули ёрдамида «Accu Bing» (АҚШ) тўпламидан фойдаланиб қон зардобида sTfR (трансферриннинг эрувчан рецепторлари), ФР (ферритин)ни, «Bachem» (АҚШ) ва «Bioscience» (Austria) тўпламларидан фойдаланиб қон зардобида гепсидин-25 (HPS-25) нинг фаол шакли ва интерлейкин-6 нинг эрувчан рецепторлари (sIL-6R). «Cloud-Clone Corporation» (АҚШ) фирмасининг SEC489Hu, SEC918Hu и SEA262Hu реактивлари ёрдамида қон зардобида ферропортин (FPN), гестин (HEPH), трансферрин-2 рецепторлари (TfR-2) текширилди.

Барча беморларда портал тизим томирлари доплерографияси билан «Philips» «ClearVue 650» (АҚШ) аппаратида жигар, талоқ ва ўт йўллари ультратовуш ёрдамида текширилди. Текширишлар давомида олинган маълумотларга Pentium - IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel – 2007 дастурий пакетидан фойдаланиб статистик ишлов берилди, жумладан, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг **"Сурункали гепатит билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдромининг ташхисий жиҳатлари"** деб номланган учинчи бобида сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир алмашинуви транспорт тизимининг асосий маркерлари таҳлили организмнинг темир билан тўйиниш синдроми кечишига боғлиқ ҳолда келтирилган.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида, назорат билан сезиларли фарк фониди бемор болаларда ферритин ўсиш динамикаси ТТСнинг оғир, ўрта ва енгил даражаларида мос равишда $164,2 \pm 4,4$ ng/ml, $138,4 \pm 7,3$ ng/ml ва $123,6 \pm 4,3$ ng/ml, назоратда, $62,2 \pm 1,21$ ng/ml ($p < 0,01$) аниқланди. Шу билан бирга sTfR нинг пасайиши кузатилди, мос равишда оғир ТТСда $0,65 \pm 0,03$ mkg/ml гача, ўрта даражадаги ТТС да $0,92 \pm 0,02$ mkg/ml гача ва енгил ТТС да $1,26 \pm 0,04$ mkg/ml гача. Алгоритм бўйича СГВли бемор болаларда ТТК нинг табақаланиши кўрсатдики, индекснинг 0,160дан 0,933гача бўлган ораликдаги умумий тебраниши билан унинг ўртача даражаси $0,490 \pm 0,01$ ни ташкил этди. Олинган натижаларнинг умумий сонидан организмнинг енгил-45,4% (ТТК>0.5), ўрта-36,2% (ТТК<0,5) ва оғир - 18,4% (ТТК<0,2) кўринишидаги темир билан тўйиниш даражаларини аниқладик.

СГВ билан оғриган ТТСли бемор болаларда гемограмма таҳлили ТТС даражаси ошиши фониди ўртача гемоглобин концентрацияси (МСНС) нинг тез камайиши ва анизоцитознинг нормал индекси - эритроцитларнинг ўртача қийматга нисбатан тарқалиши (RDW) ни аниқлаб, бу эритроцитлар популяциясининг гомогенлиги ҳақида гувоҳлик берди. Темир билан тўйиниш даражаси ошган сари нормоцитар анемия (нормал MCV/RDW) темир алмашинуви ўзгаришларга учраб, MCV/RDW кўрсаткичларида диссонанс мавжуд бўлган микроцитар анемия ҳолатигача ўзгаришлар рўй беради. Анемиянинг характерли тури гипохромия бўлиб, афтидан, темир танқислиги хужайра ичидаги метаболик жараёнлар даражасида сўрилишнинг бузилиши оқибатида келиб чиққан. Шу билан бирга, MCV/RDW индексини ҳисоблаш темир билан тўйиниш даражаси ошиб бориши билан унинг пасайишини аниқлади ($6,35 \rightarrow 5,96 \rightarrow 4,88$), МСН ўзгаришлари инверсия билан характерланди: аввалда нормал бўлган кўрсаткичлар кўпайиб бориб, оғир даражадаги темир билан тўйинишда кескин камайди. Олинган маълумотлар СГВ ли болаларда ТТС оғирлигини ташхислашнинг индикатив мезонларини ишлаб чиқиш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал

СГВ билан оғриган болаларда ТТС даражасини ташхислашнинг индикатив мезонлари

Маркер	ТТС даражаси		
	Оғир n=34	Ўрта n=67	Енгил n=84
MCV	Пасайган ($\leq 80,42$ fL)	Меъёрда	Меъёрда
RDW	Ошган ($\geq 16,6\%$)	Меъёрда	Меъёрда
МСНС	Пасайган ($\leq 309,0$ g/L)	Пасайган ($\leq 321,2$ g/L)	Пасайган ($\leq 332,1$ g/L)
МСН	Пасайган	Ошган	

	($\leq 29,7$ pg)	($\geq 34,69$ pg)	Меъёрда
MCV/ RDW	Пасайган ($\leq 4,88$)	Пасайган ($\leq 5,96$)	Пасайган ($\leq 6,35$)

Изоҳ: қавсларда рақамдаги индикатив мезонлари кўрсатилган, бунда назорат қийматлари: MCV - 86,2fL, RDW - 13,0%, MCHC - 340,0g/L, MCH - 32,5pg.


Маълумки, организмдаги ортиқча темир турли аъзо ва тўқималарда гемосидерин шаклида тўпланади ва уларнинг биологик функцияларининг бузилишига олиб келадиган токсик даражаларга етиши мумкин. Тадқиқотимизда сийдикда гемосидерин борлиги 29,3% ҳолларда, жумладан, ТТС нинг ўртача (31%) ва оғир (92,8%) даражасили болаларда аниқланган. Бу сийдикда гемосидеринни аниқлашнинг диагностик аҳамияти фақат организмнинг темир билан тўйинганлик даражаси оғир бўлганда муҳим, деб хулоса қилиш мумкин. Шу муносабат билан, организмнинг темир билан тўйинганлик даражасига боғлиқ ҳолда темир метаболизми транспорт тизимини ўрганиш асосида СГВли болаларда ТТС ривожланишининг баъзи патогенетик механизмларини аниқлаш тадқиқотларимизнинг навбатдаги босқичи бўлди. Бунда TfR-2 даражасини ўрганиш (1-расм), кўрсаткич қийматининг 74,60 ng/ml - 4,80ng/ml оралиғида умумий тебраниши билан ўртача қийматлар $21,08 \pm 1,94$ ng/ml даражасида эканлигини кўрсатди, бу эса назорат қийматларидан ($4,39 \pm 0,83$ ng/ml, $p < 0,001$) 4,8 мартта юқори бўлди. TfR-2 ни гуруҳ ичида таққослашлар ТТС даражаси ошиб бориши билан унинг қиймати пасайишини кўрсатди, ТТСнинг ўрта даражасида биринчи кўрсаткичнинг ўртача қийматлари ишончли равишда 7,1ng/ml га ($18,5 \pm 1,3$ ng/ml), ТТСнинг оғир даражасили беморларда 12,1ng/ml га камайди ($13,5 \pm 1,5$ ng/ml), ТТСнинг енгил даражасили болалар кўрсаткичига нисбатан ($25,6 \pm 3,1$ ng/ml, $p < 0,01-0,001$).



1-расм. СГВ билан оғриган бемор болаларда ТТС даражасига боғлиқ ҳолда TfR-2 динамикаси

Изоҳ: * - назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги; ^a - ТТС нинг оғир ва ўрта; ^b - оғир ва енгил; ^c - ўрта ва енгил даражасида ($p < 0,05-0,001$).


Текширилган беморлар орасида FPN даражаси ошди (2-расм), бунда кўрсаткич қиймати 1,09ng/ml-11,80ng/ml (назоратга нисбатан $p < 0,001$, $0,48 \pm 0,13 \text{ ng/ml}$) оралиғида бўлиб, ўртача $3,04 \pm 0,30 \text{ ng/ml}$ ни ташкил қилди. FPN нинг ошган қийматлари частотаси ТТС даражаси кўпайиб бориши билан ошди: 58,8% (енгил ТТС) → 64,7% (ўрта ТТС) → 100% (оғир ТТС), бунда ўртача кўрсаткичлар $2,48 \pm 0,16 \text{ ng/ml}$, $3,18 \pm 0,32 \text{ ng/ml}$ ва $3,56 \pm 0,87 \text{ ng/ml}$ ни ташкил қилди (назоратга нисбатан $p < 0,01$).



2-расм. СГВ билан оғриган бемор болаларда ТТС даражасига боғлиқ холда FPN динамикаси

Изоҳ: * - назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги; ^a - ТТС нинг оғир ва ўрта; ^b - оғир ва енгил; ^c - ўрта ва енгил даражасида ($p < 0,05-0,001$).

НЕРН га келсак (3-расм), ТТС нинг енгил даражаси бўлган болаларда $11,7 \pm 1,3 \text{ ng/ml}$ гача бўлган ишончли равишдаги юқори кўрсаткичлар, ўрта даражали беморлар гуруҳида бу кўрсаткичлар $8,42 \pm 0,9 \text{ ng/ml}$ ($p > 0,05$), яъни назорат даражасида, ТТСнинг оғир даражасида эса назорат қийматларидан паст - $6,1 \pm 0,4 \text{ ng/ml}$ ($p < 0,1$) бўлди. Бунда гуруҳлараро таққослашлар барча ҳолатларда статистик тасдиғини топди ($p < 0,01-0,001$).



3-расм. СГВ билан оғриган бемор болаларда ТТС даражасига боғлиқ холда НЕРН динамикаси

Изоҳ: * - назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги; ^a - ТТС нинг оғир ва ўрта;
^b – оғир ва енгил; ^c – ўрта ва енгил даражасида (p<0,05-0,001).

Шундай қилиб, СГВ билан оғриган болаларда темир метаболизми жигардан ташқари транспорт тизими маркерларида ТТС даражасига қараб ноаниқлик нозил бўлди. Умуман олганда, бу FPN нинг ичак базолатерал қисми даражасида ошиш тенденцияси ва TfR-2 рецепторларининг гепатоцитлар мембранаси даражасида ифодаланишининг пасайиши билан тавсифланади. ТТС даражаси ошиши билан FPN нинг тўғри пропорционаллиги ва HEPH/TfR-2 нинг тескари пропорционаллиги - гемосидероз даражаси қанча юқори бўлса, FPN экспрессияси ва HEPH/TfR-2 шунчалик юқори - бу HBV-инфицирланиш шароитида темир метаболизми транспорт тизимининг молекуляр механизмларини бузилганлиги хақида гувоҳлик берди.

СГВ да яллиғланиш ривожланиши механизмида IL-6 цитокин роли жигарнинг сурункали яллиғланиши шароитида асосийларидан бири бўлган гепатоцитларда гепсидин-25 нинг ҳужайра ичидаги цитозол сигнализация JAK/STAT-транскрипциясини бошлаб беришидан иборат. Кўп цитокин рецепторларининг лигандлар (гликопротеинлар) билан бирикиш қобилятли сигналларни ўзгартирадиган эрувчан шакллари борлигини ҳисобга олсак, фикримизча, ушбу беморларда IL-6 рецепторларининг sIL-6R эрувчан шакллари яллиғланиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот натижалари кўрсатиши бўйича, (2-жадвал) СГВ билан оғриган ТТС ли бемор болаларда қон зардобидидаги sIL-6R нинг ўртача даражасининг назоратга нисбатан 2,5 мартта ошишини аниқлади (6,67±0,35ng/ml, назоратдаги 2,5±1,7ng/ml га нисбатан p<0,05). Шу билан бирга, ТТС даражасига қараб sIL-6R динамикасини таҳлили кўрсатиши бўйича, енгил ТТСли беморларда унинг ўртача қиймати 4,28±0,17ng/ml, яъни назорат даражасида бўлди. ТТСнинг ўрта ва оғир даражаларида sIL-6R ўртача қийматлари сезиларли даражада ошиб, мос равишда 6,34±0,35ng/ml ва 8,67±0,44ng/ml ни ташкил қилди.

2-жадвал

СГВ билан оғриган бемор болаларда ТТС даражасига боғлиқ ҳолда sIL-6R қийматлари


Кўрсаткич	ТТС даражаси			Назорат
	Оғир n=34	Ўрта n=67	Енгил n=84	
sIL-6R, ng/ml	8,67±0,44 * ^a	6,34±0,34 * ^c	4,28±0,17 ^b	2,5±1,7

Изоҳ: * - назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги; ^a - ТТС нинг оғир ва ўрта;
^b – оғир ва енгил; ^c – ўрта ва енгил даражасида (p<0,05-0,001).

Бинобарин, ТТСнинг оғирлик даражаси қанчалик юқори бўлса, IL-6 нинг хужайра юзасида унинг мембрана рецепторига боғланиши шунчалик паст бўлади, бу эса гепатоцитларда гепсидин-25 фаол шаклининг хужайраички сигнал транскрипсияси тизимининг бузилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ТТСли бемор болалар организмда иккита ўзаро бир-бирини оғирлаштирувчи жараёнларнинг ривожланишига олиб келади.

Кейинги босқичда биз беморларда гепсидин-25 фаол шаклини ўргандик (4-расм) ва ушбу пептид даражасини ТТС даражасига қараб камайиш тенденциясини аниқладик: ТТК нинг чегара қийматлари қанчалик паст бўлса, гепатоцитларда унинг экспрессиясини бостириш даражаси шунчалик юқори. Шу билан бирга, гепсидин-25 фаол шаклининг ўртача қийматларини қиёсий таҳлил қилиш, умуман, унинг даражасини 1,4 баробардан ортиқ ($8,53 \pm 0,12 \text{ ng/ml}$, назоратдаги $12,5 \pm 1,3 \text{ ng/ml}$ га нисбатан, $p < 0,001$) камайишига эътибор қаратди. Гуруҳ ичидаги таққослашлар гепсидин-25 пептиди фаол шакли даражасини ТТСнинг даражасига қараб камайиш тенденциясини аниқлади.

Бунда унинг ўртача қийматлари ТТСнинг энгил даражасида $9,7 \pm 0,40 \text{ ng/ml}$ ни, ўрта даражада $8,6 \pm 0,11 \text{ ng/ml}$ ни ва ТТСнинг оғир даражасида - $7,3 \pm 0,14 \text{ ng/ml}$ ни ташкил қилди ($p < 0,05$).



4-расм. СВГ ли бемор болаларда Гепсидин-25 фаол шаклининг ТТС даражасига боғлиқ ҳолдаги қийматлари, ng/ml

Изох: * - назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги; ^a - ТТС нинг оғир ва ўрта; ^b - оғир ва энгил; ^c - ўрта ва энгил даражасида ($p < 0,05-0,001$).

Шундай қилиб, ТТСли СВГ билан оғриган болаларда гуруҳ ичида таққослашлар организмнинг темир билан тўйиниш даражасига қараб пептид даражасини камайишга мойиллигини аниқлади, ТТК нинг чегаравий қийматлари қанчалик паст бўлса, гепсидин-25 фаол шакли экспрессиясини бостириш даражаси шунчалик юқори. Бу маълумотлар СВГ билан оғриган ТТСли бемор болаларда гепатоцитлар даражасида темир алмашинувининг молекуляр механизмларининг бузилиши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Аниқланган қонуниятлар болаларда эркин темирнинг кумуляцияси ва токсик таъсири натижасида келиб чиққан узок муддатли сурункали стресс

хақида гувоҳлик беради ва унинг яққоллиги СГВнинг жадаллашуви индуктори бўлиб, касаллик прогнози жиҳатидан ноҳўя фон ҳисобланади.

Олинган натижалар бизга сурункали гепатит В билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми ривожланишининг патогенетик механизмини белгилаш имконини берди:


(Тафсир). СГВ билан оғриган болаларда темир билан тўйиниш синдроми патогенезини бошлаб берувчи омил - бу жигардаги вирусли репликация ҳисобланади. Вирус келтириб чиқарувчи узоқ муддатли сурункали стресс натижасида патофизиологик реакцияларнинг каскади жигарда патологик жараёни кучайтиради, бу эса бемор болалар организмнинг компенсатор ва адаптив имкониятларини сусайишига олиб келади. Оқибатда гепатоцитларда гепсидин-25 фаол шаклининг синтези камаяди. Натижада, унинг асосий физиологик вазифалари макрофаглар, эритроцитлар ва энтероцитлар мембраналарида ферропортин (FPN) (трансмембран темир экспортчиси) нинг тартибга солиш (интернализация ва деградация) шаклида заифлашади, темир экспорти пасаяди. Тескари алоқа тамойили бўйича бу ичак даражасида FPN нинг фаоллашуви ва Fe^{2+} нинг плазма ичига назоратсиз трансмембран транспортига олиб келади. Фаолликни таъминлашда феррооксидаз фаолликка эга бўлган, ҳужайра ичидаги Fe^{2+} ни тўйинмаган трансферрин (ApoTf) га боғлаш учун ва қонда боғланган трансферрин (HoloTf) ҳосил қилиш учун ҳужайрадан ташқаридаги Fe^{3+} гача оксидловчи гепестин (HEPN) қатнашади. HoloTf темирни гепатоцит мембраналарга кўчиради ва трансферрин циклига киришади. Трансферрин рецепторлари 2 (TfR₂) Fe^{3+} ни ҳужайра ичига эндоцитоз йўли билан импорт қилувчи асосий иштирокчлари ҳисобланади.

СГВ билан оғриган болаларда TfR₂ нинг юқори концентрацияларини ҳисобга олиб, биз трансферрин рецепторларини HoloTf билан боғлашиш учун рақобат қобилиятини кўрсатувчи Шмидт назариясини қўллаб-қувватлаймиз, бунда TfR₁ гепатоцитлар мембранасида юқори сезувчанлик билан HFE-b2m комплекси томонидан тўсиб қўйилади ва TfR₂ экспрессияси ошади. HoloTf TfR₂ ни стабиллаштиради, уни дегидратация қиладиган лизосомаларга киришининг олдини олади, деган гипотезани ҳисобга олган ҳолда, иккинчи турдаги трансферрин рецепторлари қон плазмасида темир сенсори ролини ўйнайди деб тахмин қилиш мумкин. TfR нинг бир қисми циркуляцияга тушиб, трансферринга боғлана оладиган эрувчан трансферрин рецепторлари (sTfR) ҳосил қиладди.

Диссертациянинг «Болаларда темир билан тўйиниш синдроми фониди сурункали гепатит В нинг кечиш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида болаларда сурункали гепатит В клиник кечишининг шаклланишида темир билан тўйиниш синдромининг ролини ўрганиш натижалари келтирилган. ТТСли болаларда СГВ клиник кечишини ўрганишда касаллик фаоллигининг минимал шакллари йўқлиги эътиборни тортди. Шу билан бирга, СГВ нинг ўрта ва юқори фаоллиги билан касалланганлар мос равишда 55,2% ва 44,8% ни ташкил этди. Бу касаллик кечишининг ТТС даражасига боғлиқлигини яна бир бор тасдиқлади: гемосидерознинг даражаси қанчалик юқори бўлса, СГВ кечиши шунчалик оғир бўлади. Ушбу далил ТТСнинг енгил даражасили сурункали гепатит В

билан касалланган болаларда касалликнинг зўриқиш даврларини ўртача $2,8 \pm 0,1$ кунга ($p < 0,01$) чўзилиши ва касалликнинг яққол (69,3%) ва прогрессив (92,1%) шакллариининг устунлигида ўз тасдиғини топди. Болаларда ТТС нинг оғир даражасида СГВ нинг яққол ва прогрессив шакллариининг устунлиги (100% дан), шунингдек, ТТК нинг темир билан тўйинганлик кўрсаткичи каби хоссасини ҳисобга олсак - унинг даражаси қанча паст бўлса, организмда темир миқдори шунчалик кўп - бу кўрсаткични касалликнинг жадаллашуви ва салбий оқибатларини ривожланиши бўйича хавф омили сифатида кўриш мумкин. Бу эса болаларда СГВ кечишини шаклланишида ТТСнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Болаларда СГВ нинг клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш ТТСнинг оғирлигига кўра турли хил кўринишларни белгилашга имкон берди (5-расм). Умуман олганда, клиник белгилар касалликнинг классик кечишига мос келиб, СГВ билан оғриган ТТС нинг оғир даражасили беморларда астеновегетатив (94,7%), геморрагик (78%) синдромлар ва оғир гепатоспленомегалия (100%) нинг доимий устунлиги кузатилди.



